Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
26 март
ШАНБА

№ 24
(12.348)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Вилоят ҳаёти

БЕКОБОД ТУМАНИ

«ҲУНАРМАНД» УЮШМАСИ ИШ БОШЛАДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида туманда янги уюшма иш бошлади.

"Ҳунарманд" уюшмаси халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни ўз сафига бирлаштириб, уларга ёрдам кўрсатиш ҳамда фаолиятларини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

"Ҳунарманд" уюшмаси бўлинма идораси туман ҳокимлиги биносига жойлашди.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ФЕРМЕР ДЎКОНИ УЧТЕПАДА

"Миришкор Сайфуддинова Хонзода" фермер хўжалиги ўтган йили пойтахтимиздаги Учтепа туманининг 22-даҳасидан 4 сотих ер олиб, дала дўкони қуришни бошлаган эди. Икки қаватли кўркам бино қад ростлаб, сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

– Дала дўконини Наврўз арафасида қуриб битказдик, – дейди фермер З. Сайфуддинов. – Хўжалигимиз дала ва боғларида етиштирилган сифатли мева ва сабзавотларни ҳамюртларимизга ўзимиз арзон нархларда етказиб берамиз.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

ГЎЗАЛ ДАВРА

Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатида "Қизлар давраси – гўзаллик лавҳаси" номли кўрик-танлов ўтказилди.

Танловда тўртинчи ва учинчи цех аппаратчилари, марказий лаборатория ходимлари "Танишув", "Рўзғор мактаби", "Соч турмаклаш", "Илм – ҳаёт чироғи" ва "Мен севган машғулот" каби шартлар бўйича мусобақалашди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, биринчи ўринни 96 балл жамғарган лаборант Наргиза Гуломова, иккинчи ўринни 95 балл билан аппаратчи Эльзара Сифляева, учинчи ўринни 92 балл олган лаборант Хосият Абдурасулова эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга комбинат маъмуриятининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шоҳрух ҲАКИМОВ.

ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Туман бандликка кўмаклашиш маркази ташаббуси билан тумандаги агросаноат касб-ҳунар коллежида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ҳамда аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда йигирмадан ортиқ корхона ва ташкилот юздан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркаси давомида юзга яқин фуқаро ва коллеж битирувчилари ишга йўлланма олди.

ЎзА.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

ЭКИННИНГ АВЖИ ДЕҲҚОННИНГ ҚУВОНЧИ

Меҳнат завқини ўз касбининг устасидан сўраган маъқул. Хўш, деҳқон, жумладан, фермер ўз меҳнатининг гаштини қачон суради? Кузда, ҳосиллар оппон-соппон бўлиб, баракали хирмон уюлгандами?

– Фақат ўшанда эмас, – дейди юқоричирчиқлик фермер Йўлдош Тошев. – Деҳқон борки, экини яшнаганини кўриб бир қувонса, кузга бориб, хирмони ошиб-тошганда, бутун чарчоғи ёзилиб, ўзида йўқ завқланади.

Ушбу суратга синчков назар ташлаган киши фермер ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилиши аниқ. Шу туришда у буғдойнинг авжидан, бошқлашга келиб қолганидан беҳад мамнун. Аммо, буғдой ўз-ўзидан бундай қалин тупланиб, дуркун бўлиб қолгани йўқ, албатта.

– "Крошка", "Половчанка", "Чиллаки" буғдой навлари бизнинг ерларда яхши ҳосил тўкади, – дейди Й. Тошев. – Аммо, ҳар қандай экин деҳқоннинг "қўлига қарайди". Биз уруғликни сепиш баробарида гектарига 150 килограммдан аммофос солдик. Биринчи ўғитлашда 200, иккинчисида 230 килограммдан аммиак селитраси бердик. Ҳозир иккинчи суғоришни якунлаяпмиз. Дарвоқе, ўртада суспензия сепдик, яъни буғдойни пояси орқали ҳам озиқлантирдик. 20 мартдан эса бегона ўтларга қарши грандстар гербицидини пуркаяпмиз.

Кўриниб турибдики, фермернинг ғалласи ривожда туманнинг энг олди. Шартнома шартларига кўра, 60 гектар майдонда 220 тонна ғалла етиштириши, шундан 190 тоннасини давлатга сотиши керак. Аммо бу шунчаки, мўлжал. Барқ уриб, яшнаб турган бу буғдой поялари 50 центнердан кам ҳосил тўкмаслигини оддий деҳқон ҳам чамалай олади. Ахир бу ғаллазорда 27 аъзонинг ризқ-насибаси бор!

СУРАТДА: фермер меҳнати натижасидан хурсанд.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2011 йил 25 март куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Д. М. Жуманбековнинг ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг Қозоғистон Республикасига 2011 йил 15 июнда Остона шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши мажлисини, Хитой Халқ Республикасига Шэньчжэнь шаҳрида XXVI ёзги универсиадани (2011 йил) ҳамда Урумчи шаҳрида биринчи "Хитой-Евроосиё" ярмаркасини (2011 йил) ўтказишда хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Терроризм тахдидига қарши кураш бўйича кенг қамровли шериклик тармоғини ташкил этиш мақсадида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш доирасида ШҲТ МАТТ ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши Аксилтеррор қўмитаси, шунингдек, Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилоти Котибияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлисида аксилтеррор бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасидаги ўзаро тезкор муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида 2011 йилнинг 6 майида Хитой Халқ Республикаси ҳудудида ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг навбатдаги "Тянь-Шань-2-2011" қўшма аксилтеррор ўқув-машқларини ўтказиш режаси тасдиқланди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2011 йил 21 сентябрда Пекин шаҳрида (Хитой Халқ Республикаси) ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Қонун устувор бўлган давлатда тартиб-интизом кучли, халқ тинч ва осойишта бўлади. Шундан бўлса керак мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам етарли ҳуқуқий негиз яратилди.

Ўтган давр мобайнида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, мулкдорлар синфини шакллантириш, тадбиркорликни тараққий топтириш, молия, солиқ ва банк сиёсатини янада такомиллаштиришга доир қатор қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, республикамизнинг ташқи сиёсий-иқтисодий алоқаларини тартибга солувчи "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида" каби қонунлар амалга татбиқ этилди.

Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш корхоналарини турли давлатлар билан ҳамкорликда барпо этиш имконияти пайдо бўлди. Кўплаб қайта ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари иш бошлади. 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" номи берилиши эса иқтисодий ислоҳотларни янада изчиллаштиришга туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди. Тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор натижасида чекка қишлоқларда ҳам кичик корхоналар тобора кўпаймоқда.

Айни даврда вилоятимизда 36 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаяпти. Улар фаолиятини янада фаоллаштириш мақсадида ўтган йили тижорат банклари 195 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратиб, ушбу тармоқ имкониятлари янада кенгайтирилди. Натижада 34 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Яқинда Юқоричирчиқ тумани Жумабозор шаҳарчасида девор ва шифт безаклари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги "ALIF GRAND CORPORATION" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлаган бўлса, Чиноз, Ўртачирчиқ, Бекобод, Паркент туманларида ҳам ана шундай корхоналар барқарор ишлаб турибди.

Яратилаётган енгилликлар туфайли тадбиркорлар сафи ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Зангиота туманида 3200 га яқин юридик мақомга эга, 3500 га яқин якка тартибдаги тадбиркор эмин-эркин фаолият юритиб, вилоятимиз иқтисодиёти юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Фотима АЛИМОВА,
банк коллежи умумиқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

Зангиота туманида Турон яккакураши бўйича вилоят очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятни кенг тарғиб этиш, истеъдод эгаларини катта спорт сари рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, вилоят касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган мазкур мусобақада 200 нафардан зиёд ёш спортчи 18 вазн тоифасида гиламга чиқди.

Муросасиз кечган баҳсларда зангиоталик Авазбек Холмўминов, Дилмурод Қобилжонов, чирчиқлик Миразиз Мирсиддиқов, Далер Султонов, Собир Ғуломов ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ҚАДАМ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаларида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган истиқболдаги устувор вазифалар ҳақида тўхталиб, "демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир" дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, суд шунчаки ҳокимият тармоқларидан бири бўлиб қолмай, балки у ҳар қайси жамиятни демократик тараққиёт сари етаклашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини одил судлов асосида ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, бугун суд ҳокимияти мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқи ва қонун устунлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилди. Ислоҳотларнинг илк босқичи давомида ишлаб чиқилган суд-ҳуқуқ соҳасини туб ислоҳ қилиш миллий стратегияси суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш имконини берди.

Фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, бу борада одил судловнинг амалда мустақиллигини таъминлаш, жамиятимизда том маънода суд назорати институтини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, ушбу йўналишда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаати учундир" деган ҳаётий ҳақиқатнинг амалий ифодаси бўлди десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, бу соҳада суд фаолиятини либераллаштириш, прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини, одил судловнинг сифат ва тезкорлигини таъминлаш йўлида амалга оширилган жиддий ислоҳотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бу борада "Хабеас корпс" институтининг жорий этилиши ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда миллий тараққиёт ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда суд органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги том маънода мустақиллигини таъминлашнинг ўзига хос концепцияси жорий этилди. Жамиятимиз ҳаётида юз бераётган бундай ўзгаришлар, хоҳ у иқтисодий, хоҳ сиёсий-ҳуқуқий йўналишда бўлсин, ягона мақсад – ҳар жиҳатдан ривожланган демократик давлат барпо этишга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга, энг муҳими, ўзимизга хос тараққиёт модели ҳуқуқий пойдеворининг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Албатта, амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар, бу борада эришилган ютуқлар ҳақида ҳар қанча тўхталсак оз. Бироқ, айни пайтда бугунги давр ҳар биримиздан фуқароларнинг

(Давоми 2-бетда).

ПИЛЛАКОРЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Бекобод туман пиллакорлари бу йил 3970 қути ипак қуртини парваришлаб, давлатга 210 тонна хом ашё етказиб бериш юзасидан шартнома тузишган.

Туман ҳокимлигида ўтказилган семинар инкубаторияларни мавсумга пухта тайёрлаш, қурт уруғларини сифатли жонлантириб олиш ва парваришлаш агротехникаси масалалари ечимига қаратилди. Унда ҳудудлардаги пиллачилик агрономлари, инкубатория ходимлари иштирок этди.

"Бекобод қумуш толаси" шўъба корхонаси мутахассислари иштирокчилар эътиборини пиллакорларга қулай шароитлар яратиб беришга қаратишди.

Шотурсун ХАЛИЛОВ.

БОЛА СОҒЛИҒИ ОНАГА БОҒЛИҚ

Юртбошимизнинг "Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман" дея таъкидлаганлари бежиз эмас. Соғлом боланинг дунёга келиши, аввало, онанинг соғлигига боғлиқ.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Янгийўл тумани бўлими ташкил этган давра суҳбати шу масалага бағишланди. Тадбирда "Севара" уй-жой мулкдорлари ширкати ҳудудидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фертил ёшидаги аёллар иштирок этишди. Улар туман хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутахассислари билан очиқ мулоқотда бўлдилар.

– Оналаримиз соғлом бўлиши учун нафақат касалликни ўз вақтида аниқлаб, даволаш, балки аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳам муҳим ўрин тутади, – дейди жамғарманинг туман бўлими бошлиғи Зуҳра Ҳайдарова. – Хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари кутилган самараларни бериши шубҳасиз.

Давра суҳбатида бир қатор мавзулар муҳокама қилиниб, кўтарилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Зулфия ҲУСАНОВА.

2011
йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси –
205.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА

Ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, аҳолининг бандлик даражасини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида саноат корхоналарини модернизация қилиш натижасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури кўпайиб, ҳажми, сифати, рақобатбардошлиги ва харидоргирлиги ошмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратилаётган имкониятлар ҳамда қулай инвестиция шароити янги корхоналар барпо этишда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналари реконструкция ва модернизация қилиниб, янги ишлаб чиқариш цехлари ва линиялари ишга туширилмоқда.

Ангрен шаҳрида "SUNGREEN TEX" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият бошлаб, трикотаж, болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқармоқда. Корхона бир ойда 200 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

– Корхонамиз иш унуми юқори, маҳсулотнинг сифатли, рақобатбардош ва харидоргирлигини таъминлайдиган энг замонавий техника ва технология билан жиҳозланди, – дейди корхона раҳбари Сардор Ускар. – Лойиҳа қуввати бир миллион АҚШ доллари бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Ҳозир бичув, тикув ва тайёрлов цехлари ишлаб турибди.

Қарийб юз фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаётган корхонанинг ишга тушиши билан 250 маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар.

СУРАТДА: корхона ишчилари Ирода Жўраева, Маъмура Шермуҳаммедова.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР БОҒИ

Чиноз тумани таълим муассасаларида ибратли ҳаракат бошланди. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан юртимизда авж олиб кетган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари доирасида туғилиб, "Мустақилликнинг 20 йиллигига – 20 тупдан кўчат" шиори остида кенг авж олиб кетган умумхалқ ҳаракатига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Гап шундаки, тумандаги 48 та умумтаълим мактаби ва мактабдан ташқари муассасаларда "Устозлар ва шогирдлар" боғлари барпо этишга киришилди. Чунончи, Акбарали Шарифбоев раҳбарлик қилаётган 3-мактабда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳиммати билан 1,4 гектар майдонда шундай боғ барпо қилинаяпти. Ҳозиргача 585 туп мевали дарахтлар ва 1500 туп терак кўчатлари, 1000 туп қаламча экилди.

– Яна 160 туп ўрик, беҳи, нок, гилос, олхўри кўчатлари эксак, устозлар ва шогирдлар боғи яхлит тус олади, – дейди мактаб директори Акбарали Шарифбоев. – Педагог ходимларимиз ва ўқувчиларимиз ҳар туп кўчатни меҳр билан парвариш қилишга отланишди.

Умуман, Наврўз байрами арафасида Чиноз мактабларидаги бундай боғларга 5200 туп мевали, 8200 тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: 3-мактаб директори Акбарали Шарифбоев (ўртада) ўқувчилардан Умида Суннатова ва Жасур Мелибоев билан кўчат экишяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КИЧИК КОРХОНА

Зангиота туманининг "Бешқўрғон" маҳалласидаги ёш тадбиркор Дилмурод Қодировнинг "Тадбир" кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган тўқувчилик ва тикувчилик маҳсулотлари, спорт формалари ҳамда бош кийимлар ўз харидорларини топишга улгурди.

Ўнлаб маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Келгусида тадбиркор корхонани кенгайтириб, яна кўплаб ёшларни иш билан таъминлашни режалаштирмоқда.

ФЕРМЕР САХОВАТИ

Зангиота туманининг Хонобод қишлоғидаги "Қорасув" хусусий фермер хўжалиги раҳбари Аъзам Абдувалиев ҳамиша савобли ишларга бош бўлиб келган.

Яқинда фермер яна бир хайрли ишга қўл урди. У Хонобод қишлоғидаги 100 та кам таъминланган оилага ўз томорқаларига экишлари учун 25 килограммдан эртаги картошка уруғини тарқатди.

Шоаббос ҲАМИДОВ.

СУДЬЯНИНГ АХЛОҚ-ОДОБИ

тўғрисидаги Кодекс лойиҳаси жойларда муҳокама қилинмоқда

Ҳеч бир давлат ўзининг демократик тараққиётини ижтимоий ҳаётда Конституция ва қонунлар устуворлигини қарор топтиришда судларнинг фаолиятисиз, уларнинг фаол ва таъсирчан иштирокисиз таъминлай олмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад ҳам, авваламбор, жамиятимиз ҳаётида суднинг ролини кучайтириш, уни чинакам мустақил тизимга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нуфузли ва самарали институтга айлантиришга қаратилган.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришни, бу соҳада қонун устуворлигини таъминлашни ўз касбини виждонан қадрлайдиган, ҳар томонлама етук, профессионал судья кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда, судьянинг иш фаолиятида, жамиятдаги ўрнида унинг ҳуқуқий билими қанчалик муҳим бўлса, шахс сифатидаги одоб-ахлоқи, маданияти ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Шу ўринда Президентимизнинг "Биз ҳар ким ва ҳар нарса қонунга бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади. Уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Мазкур органларга қўли эгри, порахўр, виждонсиз кимсалар кириб қолишини бартараф этадиган тизимни қонун йўли билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир" деган гапларини эслатиб ўтмоқчимиз.

Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларида "Судьялар этикаси Кодекси"нинг қабул қилиниши ҳам салмоқли омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу Кодекс лойиҳаси жойларда кенг муҳокама қилинмоқда. Бу Кодекс судьянинг ахлоқ-одоб меъёрларини белгилаб қўйиш билан чекланмай, жамият манфаати, Ватан равнақи учун қасамёд қабул қилган судьянинг шу қасамёдига содиқ қолиб, республикамиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишида асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ахлоқий категориялар судья фаолиятида мураккаб масалаларни ҳал этишда ёрдам беради, уларнинг суд жараёнига бўлган нуқтаи назарларини акс эттиради ва такомиллаштиради.

Суд жараёнида олиб бориладиган музокара тамойиллари нафақат жараён иштирокчилари муносабатларини ўзгартирувчи ҳуқуқий тизимни акс эттиради, балки суд ва судьянинг ахлоқий асосларини ҳам шакллантиради.

"Судьялар этикаси Кодекси" лойиҳасининг 6-моддасида судья ҳал қилув қарори қабул қилишда мустақил фикрга эга бўлиши, суд қатнашчиларининг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда ишдаги мавжуд далилларга ўз ички ишончи билан холисона баҳо бериши, ташқи таъсирларга берилмаслиги лозимлиги қайд этилган.

Судьялик қасамёди қабул қилганимизда "Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек, беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан" деймиз. "Судьялар этикаси Кодекси" лойиҳасининг 4-моддаси биринчи қисмида судьялар ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан суддан ташқари ҳолатларда ҳам ўзларининг ҳурматларини сақлашлари, ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этишлари, атрофдагиларга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлишлари, шунингдек, судьянинг одил судловни амалга оширишда холислиги, мустақиллигига шубҳа туғдирувчи ҳаракатлар қилмаслиги, судьялик шаъни ва суд органлари обрў-эътиборига доғ туширмасликлари лозимлиги таъкидланган.

Фақатгина виждон туйғуси юқори даражада бўлган судьяларгина тўғри йўлдан оғишмай, ўзини ўзи назорат қилган ҳолда, ишларини виждонан таҳлил этиши, ўз олий мақсадига эришиши ва судьялик касбига ва шахсига бўлган ҳурматни қўллаб-қувватлаб, сақлаб туриши мумкин. Судьялар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишни тўлиқ таъминлашни энг асосий бурчи деб билиши ҳамда бу ишда фидойилик кўрсатиши лозим, фуқаролар, давлат ва жамият олдидаги масъулиятни чин юракдан ҳис этиши, судьялик қасамёдига ва одоби қоидаларига содиқ қолиб, уларни бузишдан тийилиши лозим.

Кайковус "Қозига яхши ҳунар – илм ва мулойимликдир" деганидек, ҳар бир судья ўз устида ишлаши, илмли, маърифатли бўлиши, маънавий қашшоқликдан халос бўлиши лозим. Ўқиш, ўрганиш ва ўз устидан ишлаб, билим ва тажрибасини орттириб боришдан ҳеч қачон зерикмаслик керак.

Эл орасида "Халқ назаридаги одам" деган ибора бор. Судьялар ҳам халқ назаридаги одамлар тоифасига киради. Судьянинг ўзи, балки, бу ҳолатга ҳамма вақт ҳам эътибор бермаслиги мумкин. Лекинг одамлар судьянинг юриш-туришига, унинг маънавий ва ахлоқий сифатларига, хоҳлаймизми-йўқми, эътибор қаратади ва ўз хулосасини беради. Судья буни доимо ҳис қилиши керак. Шундагина у эл орасида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши мумкин.

Бу борада Судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисидаги Кодекснинг ишлаб чиқилиши республикамизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самарасига қўшилган муносиб ҳисса бўлади, дейиш мумкин.

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши, уларнинг Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритиши, давлат ва жамиятнинг ишончли вакили эканлиги судьяларга катта масъулият юклайди ва бу касбнинг ҳеч бир соҳиби бу масъулиятни бир лаҳза бўлсин унутишга ҳаққи йўқ.

Маҳмуда ИЗРАИЛБЕКОВА,
Олий хўжалик суди судьяси.

ТРАНСПОРТ

Бугунги кунда йўловчи ташиш транспорти тизимида холис рақобат кучайиб бораяпти. Бу соҳа ходимларига катта масъулият юклаб, йўловчиларга янада сифатли хизмат кўрсатишни талаб этади.

«ЭНГ НАМУНАЛИ АВТОКОРХОНА»

"Тошвилтранстерминал" уюшмаси тизимидаги "Паркент АТС" масъулияти чекланган жамияти жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Шу мақсадда харид қилинган 22 та "Исузу" русумли автобус Паркент ва Юқоричирчиқ туманларида яшовчи аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.

Шунингдек, корхона аҳолига юк ташиш хизматини ҳам йўлга қўйиб, ўтган йили 152 миллион 144,3 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатди. Бундан ташқари, транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам рейдлар ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, корхонада амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар 2010 йилда "Тошвилтранстерминал" уюшмаси эълон қилган "Энг намунали автокорхона" танловида биринчи ўринни қўлга киритиш имконини берди.

– Бу ўз навбатида автокорхонамиз зиммасига катта масъулият юклайди, янги марралар сари ундайди, – дейди жамият бошқаруви раиси Асқар Бойбўсинов.

Севара ЗИЯБОЕВА.

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ҚАДАМ

хоҳиш-иродаси ва фикрларини тўла ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли касбимизни чуқур англашни тақозо этмоқда. Бинобарин, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий замин, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйилаётган энг юксак меъёрларга тўла жавоб бера олиши – бу ишимизнинг ярми эканлиги, уларни ҳаётга тўла татбиқ этишга эришишимиз, бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амал қилишини таъминловчи таъсирчан тамойиллардан янада унумли фойдаланишимизни талаб этмоқда.

Бошқача айтганда, бугунги глобаллашув жараёни, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инобатга олишни тақозо этмоқда. Шу маънода, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ва унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига киритилаётган бир қатор муҳим, таъбир жоиз бўлса, мустақил демократик тараққиётимиз йўлида янги саҳифа очадиган тарихий ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам айнан шундай олий мақсадни кўзлаган.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш бўйича Концепцияда илгари сурилган муҳим таклифлардан бири – судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий этилаётганлиги ҳамда суднинг жиноят ишини кўзғатишга доир ваколатини чиқариш билан боғлиқдир.

Жиноят-процессуал қонунчилигига киритилаётган бундай ўзгартиш ҳамда қўшимчалар, авваламбор, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш шароитида суднинг ўрни ва ролини янада ошириш, суднинг том маънодаги мустақиллиги ва холислигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлашга хизмат қилади. Айни пайтда бу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг асосий шартномаси бўлмиш "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактда мустаҳкамланган одил судловни амалга ошириш принципига тўлиқ мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Концепцияда белгилаб берган устувор мақсад ва вазифалар юртимизда демократик ислоҳотларни ҳар томонлама чуқурлаштиришга, давлат қурилиши ва бошқарув тизимини демократлаштиришга, энг муҳими, Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Хуршид УСМОНОВ,
вилоят прокуратураси бўлим прокурори.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Қишлоқ қурилиш банк»

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича "тайёр ҳолда топшириш" шартларида қишлоқ аҳолиси учун замонавий, шинам 3, 4 ва 5 хонали уй-жойлар қурилиш Давлат дастури амалга оширилмоқда.

Ушбу уй-жойларга эгалик қилиш истагини билдирган қишлоқ фуқаролари "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланишлари мумкин.

Кредитнинг асосий шартлари:

– танланган уй-жой қийматининг **25 %**идан кам бўлмаган миқдорда дастлабки бадал суммаси жамланганлиги;

– кредит **15** йил муддатга;

– минимал иш ҳақининг **1000** баробар миқдоригача;

– йиллик **7 %** устама тўланиши шартлари асосида берилади.

Уй-жой эгаларига қуйидаги қўшимча имтиёзлар белгиланган:

– кредит қайтарилиши бўйича 6 ойлик имтиёзли давр берилади;

– кредитни сўндиришга йўналтирилган иш ҳақи даромад солиғидан озод қилинади;

– ер участкаси умрбод мерос қилиб бепул берилади.

Истеъмол кредитлари бериш тартиби

Истеъмол кредитлари жисмоний шахсларга юртимизда ишлаб чиқарилган маиший асбоб-ускуналар, техника, мебель, уй жиҳозлари, қурилиш материаллари харид қилиш ва бошқа мақсадлар учун берилади. Бир жисмоний шахсга истеъмол кредити республикада белгиланган минимал ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда берилади. Ёш оилаларга истеъмол кредитларини ажратилишида белгиланган тартибда имтиёзлар берилади.

Савдо фаолиятини ташкил қилиш учун кредит ажратиш

Савдо фаолиятини ташкил қилишни молиялаштиришда кредит маблағлари турғун чакана савдо шахобчаси орқали кўпи билан 1 йил муддатга очиқ кредит линияси шаклида, ҳар 3 ойда бир марта асосий қарзи ва фоизларини сўндириб борилиши фақат нақд пулда ёки пластик карточкалар тўлов терминали орқали кирим қилинган пул маблағлари қайтарилади.

Инвестиция кредитларини бериш тартиби

Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш мижозларга ускуналарни харид килиш, хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун минитехнология ва ускуналар сотиб олиш, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларига узоқ муддатларга кредитлар ажратилади.

Чет эл валютасида инвестиция кредитларини бериш тартиби

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ томонидан бугунги кунда бир қатор молия институтлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Масалан, ХТУ (Халқаро тикланиш уюшмаси), Ландес банк Берлин (Германия), Коммерцбанк (Германия) ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш амалга оширилмоқда.

Ушбу кредитлар бўйича батафсил маълумотга эга бўлиш учун банкнинг минтақавий ва туман филиалларига мурожаат этишингиз мумкин.

Фаровон ҳаётингиз хизматида

Миллий валютадаги омонатлар:

Номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси
Қурилишга сармоя	**1 йилдан кам бўлмаган муддатга**	**18**
Фойдали	1 ой	28
Зиё	3 ой	26
Шабнам	6 ой	28
Тараққиёт	12 ой	24
Орзу	14 ой	22
Филиал номи	**Тел. рақами**	**Манзили**
Тошкент вилоят минтақавий филиали	150-79-08	Тошкент шаҳри, Т. Шевченко-34-А
Оҳангарон филиали	150-45-12	Оҳангарон шаҳри, Қ. Холмуҳамедов кўчаси, 38/1
Бекобод филиали	150-79-48	Бекобод шаҳри, Бирлик кўчаси, 2.
Ғазалкент филиали	8-370-74-20-280	Ғазалкент шаҳри, Беруний кўчаси, 24.
Янгийўл филиали	150-79-75	Янгийўл шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 1.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Жаҳонда балиқчилик ривожланган шундай давлатлар борки, уларда бу соҳа катта даромад келтиради. Балки, бу мамлакатлар дарё, денгиз ва океанларга яқин жойлашган-да, деб ўйлаётгандирсиз?! Йўқ. Аслида уларнинг аксариятида сунъий кўллар ташкил этилган.

БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТИ КЕНГ

Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантиришга оид "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Балиқчилик тармоғини хусусийлаштириш ва демонополизациялашни чуқурлаштириш ҳақида", "2009-2011 йилларда республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури", "Ўзбекистон Республикасида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари" каби қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Улар ижроси юзасидан вилоятимизда айтишга арзигулик ишлар қилинаяпти.

Вилоятда 106 та балиқчилик корхона ва фермер хўжаликлари бор. Бу йил улар яна 25 тага кўпайди. Янги ташкил этилган балиқчилик хўжаликларида 90 га яқин киши иш билан таъминланди.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида рейдлар, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боради. Айниқса, балиқларнинг уррчиш пайтида сув ҳавзалари ва дарёларда балиқ овламаслик қатъий назоратга олинди. Шунингдек, бу даврда жойлардаги балиқ сотиш дўконлари ва ошхоналарда балиқ савдосини вақтинча тўхтатиш ҳақида огоҳлантириш бериб борилади. Бироқ, "гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек, орамизда қонунга риоя қилмай, уни бузувчилар ҳам йўқ эмас. Ўтган йили вилоят ички ишлар бошқармаси ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган рейдлар давомида овчилик билан боғлиқ 40 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 967,5 минг сўм жарима ундирилди.

Ўртачирчиқлик А. Эшманов, М. Тўхтаназаров, Бўка туманида яшовчи Т. Ражабов, Х. Дўстанов балиқ овлаш қоидаларини бузганликлари учун жарима тўладилар. Чинозлик Х. Муродов эса балиқ тутиш тақиқланган мавсумда ов қилмоқчи бўлгани учун жаримага тортилди.

Олиб борилган рейдлар натижасида балиқчилик хўжаликлари сув ҳавзаларидан 6780 метрли тўр, иккита электр қармоқ, иккита резина қайиқ ва бошқа ноқонуний балиқ овлаш қуроллари олиб қўйилди.

Вилоятимизда балиқчилик учун қулай табиий кўллар йўқ. Аммо, ҳаваскор балиқчилик ривожланиши учун етарли шароитлар яратилган. 2010 йилда Ўртачирчиқ туманидаги Тошкент денгизи, Бекобод туманидаги Хайваткўл ҳамда Сирдарёга 1 миллион 30 минг донадан зиёд оқ амур ва дўнгпешона балиқ чавоқлари ташланди.

Қуйичирчиқ туманидаги "Балиқчи" очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва балиқни қайта ишлаш цехини капитал таъмирлаш, янги ускуналар сотиб олиш мақсадида банкдан кредит олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди.

Қибрай туманидаги "ГЕ Фиш Фар" МЧЖга қимматбаҳо хонбалиқ турларини кўпайтириш мақсадида тузилган шартнома асосида 30 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Вилоятимизда балиқчиликни ривожлантириш суръати ўтган йиллардагига нисбатан юқорилиги қувонарли. Давлат дастурида белгиланган топшириқлар ҳам аъло даражада бажарилаяпти. Лекин Бекобод туманидаги "Анора Нур Файз", "Сирдарё ўзани", Бўка туманидаги "Тўлабой Бобур", "Ҳусанов Жавоҳир", Янгийўл, Чиноз, Оққўрғон, Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларидаги "Соф балиқ барака", "Уммон саховати", "Афғон уруш қатнашчилари", "Акбарали Боғбон", "Орифхўжа" сингари фермер хўжаликларида балиқ етиштириш ҳамон кўпайгани йўқ.

Гулжазира МИРЗАБЕКОВА,
ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инспекцияси инспектори.

Осмони мусаффо юртга яраша́р турналар парвози.

ҚУШ СОТИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Тасаввур қилинг. Тик қояли денгиз қирғоқларида минглаб қушлар йиғилган. Уларнинг тўхтовсиз шовқини узоқ-узоқларга эшитилади. Баъзилари денгиз узра парвоз қилиб, ўлжа топиш илинжида, бошқалари эса рақсга тушаётгандек сув устида эркин ўйнайди. Ажойиб манзара...

Табиатнинг бу каби беназир туҳфасини асраб-авайлаш ва кўпайтириш мақсадида дунё бўйлаб кўплаб қўриқхоналар ташкил этилган.

Масалан, Каналакша қўриқхонасида патлари қимматбаҳо саналган гага қушлари ва уларнинг инлари қўриқланади. Каспий денгизи соҳилидаги Қизилоғочда эса ўрдак, ғоз ва оққуш галалари, Австралия қўриқхоналарида ўрдакбурун, ехидналар асраб-авайланади.

Бўстонлиқ туманидаги Чотқол қўриқхонасида ҳам турли қушлар бор. Уларни овлаш, ўлдириш, сотиш қатъиян ман қилинган бўлиб, қонунни бузган шахсларга нисбатан жиддий чоралар кўрилади. Шунга қарамай, айрим кимсаларнинг қушларни қонунга хилоф равишда овлаб, сотишлари ҳамон учраб туради.

Шу йилнинг январь ойида Чирчиқ шаҳар ва Бешёғоч бозорларида ноқонуний овланган 141 та ҳар хил сайроқи қушлар сотилаётгани аниқланди ва улар табиатга қўйиб юборилди. Текширишлар натижасида ов қилиш муддати тугаган 5 та ов қуроли олиб қўйилди ва ҳуқуқбузарларга нисбатан белгиланган тартибда жазо тайинланди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси инспекцияси ходимлари овчилик чипталарининг муддатларини ўз вақтида узайтириш, ов қуролларидан қонун доирасида фойдаланиш юзасидан овчилар орасида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Илҳом ЭРНАЗАРОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.

БЕЧИҚИТ ЛОЙИҲАЛАР

Ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа турли-туман буюмларни ишлатиш ёки истеъмол қилишдан ҳосил бўлган қолдиқлар, шунингдек, истеъмол хусусиятини йўқотган товарлар чиқиндилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуни мамлакат ҳудудида шу масала билан боғлиқ ишларни тартибга солиш баробарида уларнинг атрофга, одамлар ҳаёти ва соғлиғига етказадиган зарарли таъсирининг олдини олишдек муҳим жиҳатларни ҳам қамраб олган.

Юқоридаги қонун ижросини таъминлаш юзасидан вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги чиқиндихоналарни тартибга келтириш, уларни талаб даражасида сақлаш, қишлоқ ва маҳаллаларда махсус чиқиндихоналар ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятда чиқинди ҳосил қилувчи 509 та саноат корхонаси бор. Шундан 46 таси йирик корхоналар бўлиб, уларда 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ чиқинди пайдо бўлади. Таҳлил натижаларига кўра, 2009 йилда кул-қурум чиқиндилари 1,98 миллион куб метрга, фосфогипс 2,8 миллион тоннага етган. Чиқиндиларни жойлаштириш учун ажратилган 3770,24 гектар майдонда 19 та маиший, 4 та суюқ, 2 та кул-қурум чиқиндихоналари ташкил этилган. Шунингдек, уларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва бунга корхона, ташкилотларни жалб қилиш мақсадида вилоятда 2008-2012 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан турли корхоналар чиқиндиларни тозалаш ишларига маблағ ажратадилар.

Чиқиндиларни қайта ишлаш борасида янги лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Вилоятда 10 га яқин қайта ишлаш корхоналари бўлиб, улар ёрдамида 800 минг тонна ҳар хил чиқиндиларни қайта ишлашга эришилди.

Ангрен шаҳридаги "Ангрен иссиқлик электр станцияси" 640 минг 436 тонна кул, Олмалиқдаги "Аммофос" очиқ акциядорлик жамияти 150 минг 428 тонна фосфогипс чиқиндиларини қайта ишлади. "Илк Жамлоний", "Мурувватпрогресс", "ERKIN PLAST FAYZ" масъулияти чекланган жамиятлари, "Авесто-Шамс" фирмаси, "Ўзметкомбинат" плёнка, макулатура, пластмасса ва бошқа маиший чиқиндиларни қайта ишламоқда.

Абдулла ҚЎЧҚОРОВ,
ер ости бойликлари ва чиқиндиларни жойлаштириш махсус инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

БИЛАСИЗМИ?

ОДДИЙ ЕЧИМ

Гарри Василик 1950 йилда биринчи бўлиб ахлат солинадиган қопчаларни кашф этди.

Василикнинг ўзи аслида ихтирочи ва муҳандис эди. Бир куни шаҳар муниципалитети унга мурожаат қилиб, вазифа топширди: шундай қилиш керакки, рўзғор чиқиндиларини махсус машиналарга ортиш пайтида тўкилиб-сочилмасин.

Ихтирочи муҳандис чангютгичга ўхшаш бирор нарса ўйлаб топиш ҳаракатида узоқ вақт бош қотириб юрди. Хайриятки, муаммонинг ечими кутилмаганда "ўз оёғи билан" келиб қолди. Танишларидан бирими ёки уйдагиларми, "менга ахлат солиш учун халта керак" деб қолди. Буни эшитган ихтирочи рўзғор чиқиндиларини бир жойга тўплаш, кейин махсус машиналарга ортиш учун бир марталик қопчалар кераклигини тушунди ва уларни полиэтилен плёнкалардан тайёрлашни таклиф этди.

Шундан сўнг Виннипег шаҳрининг госпитали ахлат солиш учун пластик қоплардан фойдаланишни биринчи бўлиб бошлаб берди. Якка шахсларга мўлжалланган биринчи пластик ахлат қоплари ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди.

РАССОМ НИГОҲИДА

Баҳор ТОҲИЕВ чизган расм.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг WWW.UZNATURE.UZ веб-порталида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир қонун ҳужжатлари жойлаштирилган. Ушбу саҳифадан фойдаланиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқ ва бурчлари билан кенгроқ танишишингиз мумкин.

ЭКОЛОГИК ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ НИМА?

Сўнгги йилларда жаҳонда табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар кўпайиб бормоқда. Бу ўз навбатида иқлим ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида айрим турлар бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Табиий фавқулодда вазиятлар зилзила, сув тошқинлари, вулқонлар билан боғлиқ бўлса, техноген хусусиятли ҳодисаларда инсоният таъсири катта бўлади. Бунга турли ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида вужудга келиши мумкин бўлган ҳодисаларни киритиш мумкин.

Шу билан бир қаторда экологик фавқулодда вазият тушунчаси ҳам мавжуд. Бундай вазиятда қуруқлик, атмосфера, гидросфера, биосфера ҳолатининг ўзгариши кузатилади. Тупроқ ва ернинг кимёвий моддалар, саноат чиқиндилари билан заҳарланиши, кўчки, ўпирилиш, ернинг чўлланиши оқибатида қуруқлик ҳолати бузилиши мумкин. Кислород танқислиги, кислотали ёмғирлар, озон қатламининг емирилиши каби ўзгаришлар ҳам экологик фавқулодда вазият белгилари ҳисобланади. Ер ости ва усти сувларининг чиқиндилар билан ифлосланиши, сув захираларининг камайиши, тоза ичимлик суви танқислиги гидросферанинг ёмонлашишига олиб келади. Биосферанинг ўзгариши туфайли айрим ҳайвонот ва ўсимлик турлари йўқолиб кетиши ва нобуд бўлиши, кўпайиш даражаси пасайиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ўтган асрдан бошлаб, техника ва саноат тараққиёти, табиат ресурсларидан аёвсиз фойдаланиш натижасида экологик фавқулодда вазиятлар рўй бериши кўпайди. Бундай ҳолатлар инсонга нафақат моддий ва физиологик, балки руҳий зарар етказиши руҳшунос олимлар томонидан исботланган. Бу каби вазият қурбонлари одатда руҳий-тиббий ёрдамга муҳтож бўладилар. Бундай ҳолатларда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими махсус дастури алоҳида аҳамият касб этади. Унда энг аввало аҳолининг психофизиологик ҳолати ўрганилади ва одамлар руҳий чиниқтирилиб, ваҳимали кайфиятни бартараф эта олиш хусусияти шакллантирилади.

Севара ЖЎРАЕВА,
Олмалиқ табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмитаси давлат инспектори.

БУ – ҚИЗИҚ

ТАСОДИФ ТУФАЙЛИ

Юрак хасталигидан азият чекувчи миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолувчи бу ускуна тасодиф туфайли кашф этилган.

1941 йилда муҳандис Жон Хоппс ҳарбий денгиз флотининг буюртмаси билан гипотермия соҳасида тадқиқотлар олиб борди. Унинг зиммасига қаттиқ совуқ шароитида муздек сувда узоқ қолиб кетган кишини энг қисқа муддатда иситиш йўлини топиш вазифаси юкланган эди.

Хоппс қиздириш учун юқори частотали радионурланишдан фойдаланаётиб, одамнинг кучли совуқ таъсирида уришдан тўхтаб қолган юрагини электр қуввати турткиси ёрдамида қўзғатиш ва ишлатиб юбориш мумкинлигини тасодифан билиб қолди. 1950 йилда Хоппснинг шу кашфиёти асосида биринчи кардиостимулятор яратилди.

ЭКО-ЯНГИЛИКЛАР



ЭНГ КИЧИК БУҚАЛАМУН

Биологлар аввал фанга номаълум бўлган энг митти буқаламун турини топишга муваффақ бўлдилар. Танзаниянинг ёмғирли тропик ўрмонларида яшовчи бу жонзот жуда кичкина бўлиб, инсон тирноғича келади.

Рекорд ўлчамдаги митти буқаламун бошида тангачалар қопланган шохи ва бармоқларидаги кўк рангли нуқталари билан бошқа турдошларидан фарқ қилади. Олимларнинг таъкидлашларича, бу тур йўқолиб кетиш арафасида. Ҳозир дунёда унинг 100 тагина вакили бор экан.

Ноёб жонзот топилмаси Танзания ўрмонларининг қонуний муҳофаза остига олинишига сабаб бўлди.

ФИЛ ҲАВАСГА ЎКИРМАЙДИ

Филлар ўзаро инсон қулоғи эшита олмайдиган товуш тўлқинлари орқали мулоқот қилишади ҳамда бир-бирларини хавф-хатар ҳақида хабардор этадилар. Олимлар фикрига кўра, филлар муомаласининг учдан икки қисми инфратовуш спектри ҳиссасига тўғри келади.

Филларнинг фарқлаш қийин бўлган ўкиришларини тадқиқ қилиш мақсадида олимлар саккизта фил баданига паст частотали товушларни қабул қилувчи микрофонлар ўрнатиб, уларнинг ҳаракатлари моҳиятини билиб олдилар. Лойиҳа раҳбари Мэтт Андерсоннинг айтишича, бу тадқиқот филлар ҳаётига оид қизиқарли маълумотларни аниқлаш имконини берган.

ПАРВОЗДА ЎТА ҲУШЁР

Дрозофил пашшалари "автомат" тарзда парвоз қилишлари аниқланди. Тадқиқотчилар пашшанинг қанотларига металл пластиналар ўрнатиб, ёпиқ муҳитда уларнинг парвозини кузатишди.

Маълум бўлишича, дрозофил пашшалар парвоз йўналишини жуда тез – 60 миллисекунд вақт ичида 2 даража бурчакка ўзгартира олади. Бу тезлик пашшаларнинг ихтиёридан ташқари ҳолат бўлиб, уларда ғайриоддий автомат бошқарув борлигини исботлайди.

АЖАБО

КЎЗАМИ Ё ЎСИМЛИК?

Бир қарашда кўзани эслатадиган Непентесни ҳашаротхўр ўсимликлар қаторига қўшиш мумкин. Негаки, у турли майда ҳашаротлар билан озиқланади. У ҳашаротларни гулшира ёрдамида ўзига жалб қилади. Бундай қопқонга баъзида сичқон ва қушлар ҳам тушади.

НОНУШТАГА ҚУРБАҚА

Венерина ўсимлиги ҳам ҳашаротларни хуш кўради. Одатда пашшалар билан озиқланган учун айримлар уни "пашшатутқич" деб ҳам аташади. Венеринанинг барглари да майда тишчалари бўлиб, ҳашарот тутишда қўл келади. Бу ўсимлик шиллиққурт ва қурбақаларни ҳам ҳазм қила олади.

БУЙИ ДАРОЗ, ГУЛИ ОЗ

Дунёда энг тез ўсадиган ўсимлик бамбук бўлиб, у бир кеча-кундузда 90 сантиметр бўй чўзади. Унинг баландлиги 18-19 метргача боради.

Қизиғи шундаки, бамбук дарахт эмас, балки ўтсимон ўсимликдир. Ажабланарлиси, бамбук умри давомида бир мартагина гуллайди.

НИШИ ОТНИ ЎЛДИРАДИ

Отни ўлдирган ўсимлик ҳақида эшитганмисиз? Ниш ура оладиган бу ўсимликнинг номи Онгаонга бўлиб, уни Янги Зеландияда учратиш мумкин. Онгаонганинг баландлиги 5 метрга етади.

Айтишларича, у ўзининг майда туклари ёрдамида итни, ҳатто, отни ҳам ўлдирган. Унинг барглари таркибида гисталин ва чумоли кислотаси мавжуд экан.

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Ирода НОРБОЕВА тайёрлади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

МАРРАДА КИМ БИРИНЧИ?

Тошкент денгизида академик эшкак эшиш бўйича мавсумнинг илк мусобақаси – Ўзбекистон чемпионатида юз нафарга яқин энг кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

12 километрлик пойгада эркаклар ўртасида сирдарёлик Сергей Тянга тенг келадигани топилмади. Моҳир спортчи асосий рақобатчилари – Тошкент вилояти вакили Артём Кудряшов ҳамда сирдарёлик Владимир Черненкони ортда қолдириб, маррага биринчи келди.

Жуфтлик беллашувларида биринчи ўрин самарқандлик спортчилар – Ёқуб Ҳамзаев ва Дилшод Қудратовга насиб этди. Улар Қорақалпоғистондан келган Зафар Усмонов ва Эрназар Ҳамидуллаев тандемини ортда қолдирди. Самарқандлик спортчилардан Наврўз Исмоилов ва Шерзод Ҳакимов кучли учликдан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада Осиё ўйинлари совриндори Зарина Михайлова (Тошкент вилояти) ҳамон етакчи эканини яна бир карра исботлади. У вилоятдоши Наталья Богутова ҳамда самарқандлик Илмия Абдураззоқовадан ўзиб кетди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни самарқандлик спортчилар эгаллаган бўлса, Сирдарё ва Андижон вилоятлари терма жамоалари кучли учликдан жой олди. Ўзбекистон чемпионатида ўзини кўрсатган спортчилар мамлакатимиз терма жамоаси сафида жорий йилнинг май ойида Германияда ўтказиладиган академик эшкак эшиш бўйича жаҳон кубоги мусобақасида қатнашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

■ ТАДБИР

«ЎЗБЕК КИНОСИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР»

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги анъанага кўра, 2010 йил давлат буюртмаси асосида суратга олинган фильмлар бўйича ўтказиладиган конференциясини ўзбек киносининг муаммо ва истиқболларига бағишлади.

Анжуманда киношунос олимлар, актёр ва режиссёрлар иштирок этишди. Яратилган бадиий, анимацион фильмлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, "Ўзбекфильм", "Ўзкинохроника", "5-студия", "Қорақалпоқфильм" каби киностудиялар ижодий фаолияти ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Фотима БЕГМАНОВА.

■ ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

УНУТМА, РАҲБАР, СЕНИ УЙДА ОИЛАНГ КУТМОҚДА!

Ҳозир нима кўп уяли алоқа компанияси кўп. Нима кўп – кўп қаватли бинолар устида осмонга шох тираб турган уяли алоқа база станцияларининг антенналари кўп.

"Бартек Инжиниринг" МЧЖда норасмий электрик бўлиб ишлаётган Александр Подустов ҳам "UCELL" уяли алоқа компанияси учун Янгийўл шаҳрида навбатдаги "TS-1468" антеннасини ўрнатиб қўйди. Бироқ ток ишлаб чиқарадиган кўчма генераторлардан фойдаланиш компанияга қимматга тушгач, база антеннасини Янгийўл туман электр тармоқларига улашга қарор қилишди. Охир-оқибат, Подустов бу пайтда Янгийўл шаҳар электр тармоқлари бошлиғи бўлган Саид Бобоевга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бобоев эса станцияни тармоққа тўғридан-тўғри улаш мумкин эмаслиги, боиси ҳудуддаги трансформатор бир неча марта ишдан чиқиб, капитал таъмир қилингани, шу сабабдан станцияни 25 киловаттлик алоҳида трансформатор орқали электр тармоғига улаш лозимлигини тушунтирди.

Дарҳақиқат, бир спектаклда "битта байроққа – битта локатор" деб айтилганидек, битта станция – битта трансформатор орқали уланиши керак эди. Бошқа йўли йўқ. Лекин "қўки"дан бир чимдим бўлса, йўли топилар экан: 2009 йилнинг август ойида Подустов Бобоевга 1000 АҚШ долларини қистириб юборганди, станцияни ҳудудий электр тармоғига улаш учун шарт ёзиб берилди.

Жиноятига жазо олмаганидан Бобоев бироз гангиб қолди. "Бу ишим жиноят ҳисобланмас экан, тирикчиликнинг айби йўқ-ку" деб ўйлаган бўлса ҳам эҳтимол. Шу сабабдан, Подустов навбатдаги уяли алоқа станциясини Янгийўл электр тармоғига қарашли "ТП-208" трансформатор пунктига улаш учун техник шарт беришни сўраб иккинчи марта мурожаат қилганида тортиниб ўтирмади. Бу гал трансформатор олиш кераклигини айтиб тихирлик ҳам қилмади. Лекин инсофни ҳам унутмади. Бир кўрган – билиш, икки кўрган – таниш, дейдилар ахир! Шунинг учун 1000 демасдан инсоф билан 300 доллар беришса кифоя қилишини билдирди.

Подустов ўз навбатида бундан раҳбари Михаил Гуревични хабардор қилди. Гуревич эса яна пора учун пул беришдан безиб қолди шекилли, порахўр Бобоевга чора кўришларини сўраб, МХХга мурожаат қилишни маслаҳат берди. Алал-оқибат масъул мансабдор бўла туриб, таъмагирлик қилган Бобоев тезкор тадбир пайтида пора олиш жинояти устида қўлга олинди. Бўлиб ўтган суд жараёнида унинг устидан муносиб ҳукм чиқарилди.

Саид Бобоев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан айбдор деб топилди ва 3 йил муддатга мансабдорлик ҳамда моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан, 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Мазкур жиноят иши бўйича Саид Бобоевнинг жиноий фаолиятини амалга оширишда фойдаланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли автомашинаси давлат фойдасига ўтказилди.

Ҳа, қилмиш-қидирмиш дейдилар. Бобоев жинояти учун жазо олди. Аммо бошқа бир ҳолатга одамнинг юраги ачийди. Бобоев муқаддам 2004 йилда Жиноят Кодексининг 205- ва 209-моддалари билан судланган эди. Унинг тегишли хулоса чиқармай, яна жиноят йўлига киргани бироз тушунарсиз.

Бобоев пора олиш учун уйидан чиқиб кетаётганда энди анча вақт, айтайлик 11 йил

уйига қайтолмаслигини, 3 норасида фарзанди оталарини соғиниб, ичикиб йиғлашларини, порахўрнинг боласи деган тамға остида кўнгиллари ўксик, бахтлари кемтик бўлиб қолишларини ўйлаб кўрганмикан? Бизнингча, ўйлаб кўрмаган, акс ҳолда жиноят қилмаган, оиласи бағрига тинчлик-омонликда қайтган бўларди...

Одатда, катта йўл четларида, автокорхоналарда: "Ҳайдовчи, тезликни оширма, уйда сени оиланг кутмоқда", деган ёзув осиғлиқ туради. Буни ўқиган ҳар бир ҳайдовчи бирров сергак тортиб, юриш-туришига эътибор беради. Шу ўринда бир ғалати таклиф хаёлга келади. Балки қадамини ўйлаб босмаётган раҳбарларнинг хос хонасида ҳам шунга ўхшаш ёзув осиб қўйиш керакмикан?! Айтайлик: "Раҳбар, унутма, сени уйда оиланг кутмоқда!" Нима дедингиз?..

Карим МАТНАЗАРОВ.

XXI аср ва ДУНЁ

ЛИВИЯГА ҲУЖУМДА 350 САМОЛЁТ ҚАТНАШАЯПТИ

Ливия мамлакати етакчиси Муаммар Каддафига қарши ҳарбий операцияларда 350 дан зиёд самолёт иштирок этмоқда.

AFP агентлиги тарқатган хабарга кўра, штаб бошлиқларининг бирлашган қўмитаси раҳбари вице-адмирал Уильям Горт матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритган. У берган маълумотларга қараганда, самолётларнинг ярмидан кўпроғи Американики.

Jana давлат ахборот агентлигининг хабарига кўра, Тажура музофотидаги аҳоли тураржойларига ҳам Ғарб мамлакатлари самолётлари бомба ташлаган. Оқибатда кўплаб тинч аҳоли қурбон бўлган. Ҳарбий операцияларнинг бошидаёқ халқаро коалиция ҳарбий базаларга ракета ва авиазарбалар берган эди. Ливиянинг давлатга қарашли телеканалларидан бири Тажурага зарба берилиши биланоқ фуқаролик объектларидан ташқари "ҳарбий позициялар" ҳам бомбардимонга учраганини маълум қилганди.

Пайшанба (24 март)га ўтар кечаси Триполининг бир нечта туманлари коалиция ҳужумига учради. Айниқса, Ливия раҳбари Муаммар Каддафи қарорғоҳи яқинида снарядлар портлаши тез-тез эшитилиб турди. Шунингдек, Триполи яқинидаги Жафарда жойлашган ҳарбий ва фуқаро объектлари ҳам авиация зарбаси остида қолди.

Буюк Британия Каддафи тасарруфидаги авиация бутунлай йўқ қилингани ҳақида ҳисобот берди. Шунингдек, Ливия ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими бутунлай ишдан чиқарилди. Коалиция Каддафи қўшинлари позицияларига 160 та қанотли ракета ташлади.

Горт Ливия армиясини Каддафи буйруқларига бўйсунмасликка ва қаршилик кўрсатишни тўхтатишга чақирди. "Бизнинг даъватимиз оддийгина, – деди у. – Урушишни бас қилинг, ўз ҳамюртларингизни ўлдиришни тўхтатинг, Каддафи буйруқларини бажаришдан тийилинг".

Эслатиб ўтамиз – Ливиядаги ҳарбий операциялар 19 мартдан буён давом этаяпти. Ҳарбий нишонларни бомбардимон қилишда аввал Франция, АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучлари иштирок этди. Кейинчалик эса бошқа Европа мамлакатлари, шунингдек, Қатар ва БАА қирувчи самолётлари ҳам қўшилди.

Туркия НАТО томонидан ташкил этилган Ливиянинг денгиз қамалида иштирок этишини маълум қилди. Бундан олдинроқ НАТО бош котиби Андрес Фог Расмуссен альянснинг Ливия осмонида самолётлар учмайдиган зона ҳосил қилиш ҳақидаги мақсади амалга ошганлигини эълон қилган эди.

АҚШ, гарчи, блок аъзолари бўлган мамлакатлар Ливиядаги вазият юзасидан ягона нуқтаи назарга эришмаган бўлсада, операцияларни бошқаришни яқин кунларда НАТОга аъзо мамлакатларга топширишни ваъда қилаяпти.

ЖОЗЕ СОКРАТЕШ ИСТЕЪФОДА

Португалия вазирлар маҳкамаси бошлиғи истеъфога чиқишини маълум қилди дейилади Associated Press агентлиги тарқатган хабарда.

Мамлакат парламенти ҳукумат тақдим этган таназзулга қарши чоралар пакетини рад этганига бош вазир шундай муносабат билдирди. Бундай вазиятда ўзи ва у бошлиқ ҳукумат Португалиянинг иқтисодий муаммоларини ҳал эта олмаслигини маълум қилди Сократеш.

Парламентчилар ўз нуқтаи назарларини изоҳлаб, ҳукмрон Социалистик партия таназзулга қарши тақдим этган чоралар жуда қаттиқ иқтисодий идора усулини назарда тутишини айтдилар.

САЙЁҲЛАР ЭЙФЕЛГА ҚАЙТДИЛАР

Парижлаги Эйфел минорасида қандайдир шубҳали пакет топилгани муносабати билан эълон қилинган ташвишли ҳолат бекор қилинди. Associated Press агентлигининг таъкиллашича, бу зиёратгоҳ сайёҳлар учун яна эшикларини очди.

Аниқланишича, полициячилар минорани тинтиб чиқиб, ҳеч қандай портловчи модда топмадилар. Ваҳоланки, қарийб тўрт минг киши минорадан зудлик билан эвакуация қилинган эди. Бунга номаълум шахснинг бомба қўйилгани ҳақидаги хабари сабаб бўлганди. Бундан ташқари иншоот қаватларидан бирида эгасиз пакет ҳам топилганди.

ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ РАДИАЦИЯДАН НУРЛАНДИ

Кучли зилзила ва 10 метр баландликдаги цунами оқибатида 9811 киши қурбон бўлгани расман эътироф этилди. "Киодо" агентлиги 25 март куни шундай маълумот тарқатди.

Табиий офатлар қурбонларини ҳисобга олишга масъул миллий полиция бошқармаси 17 минг 541 киши бедарак йўқолганини маълум қилди. Умумий ҳисобда офат қурбонлари 27 минг 352 кишига етганлиги тан олинди. 250 минг киши бошпанасиз қолди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, табиий офатдан энг кўп зарар кўрган Миягги музофотида кейинги кунларда яна икки минг киши ўлиги топилди. Полициячилар фақат шу музофотнинг ўзида қурбон бўлганлар 15 мингдан ошиши мумкинлигини бир неча бор таъкидлашганди.

"Фукусима-1" АЭСида электр энергиясини тиклаш ишлари давом этаяпти. Аммо, бу жараён тўхтатиб қўйилиши мумкин. Чунки, уч ходим радиациядан нурланиб, шифохонага тушди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 26 апрель соат 15.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:
ШИ-2 й.т. "ЧКСМиК – 2 кичик ноҳия"
ШИ-9 й.т. "Ором дам олиш уйи – 3-кичик ноҳия"
ШИ-22 й.т. "8-кичик ноҳия – Пойабзал фабрикаси"
ШИ-25 й.т. "Чинор маҳалласи – Айланма"
2. Битта пакет билан:
ВХ-499 й.т. "Чингелди қишлоғи – Ўзбекистон овози кўчаси"
ВХ-525 й.т. "Жамбул қишлоғи – ТошДАУ"
ВХ-528 й.т. "Чирчиқ АББ – Қибрай туғуруқхонаси (Улуғбек кўрғони орқали)"
ВХ-570 й.т. "Чирчиқ АББ – Ғишткўприк маҳалласи"
3. Битта пакет билан:
ШИ-12 "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)"
ВХ-222 "ЧКСМиК – Озодбош қишлоғи"
ВХ-518 "Озодбош қишлоғи – Максам-Чирчиқ ОАЖ" (Озодбош томондан)
ВХ-506 "Бирлик қишлоғи – Чирчиқ АББ"
4. Битта пакет билан:
ВХ-426 "Тўйтепа АББ – Ўртасарой – Қўйлиқ АШБ"
ВХ-430 "Ким Пен Хва ф/у – Қўйлиқ АШБ"
ВХ-437 "Тўйтепа АББ – Қайтмас қишлоғи"
ВХ-444 "А. Навоий ф/у – Қўйлиқ АШБ"
5. ШИ-21 й.т. "Тиббиёт коллежи – Ойдин – Марказий бозор" (Олмалиқ ш.)
6. ШИ-12 й.т. "Соғлом маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.)
7. ШИ-19 й.т. "Ангрен АШБ – Янгиобод АШБ" (Ангрен ш.)
8. ВХ-397 "Бўка АШБ – Олмалиқ АШБ (Қўштепа орқали)" (Бўка томондан)
9. ВХ-333 "Олмалиқ АШБ – Пискент АШБ"
10. ВХ-478 "Шредер олийгоҳи – Чорсу савдо маркази"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 21 апрель соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 25 апрель соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй.
Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.
Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

ООО "GEO PROEKT", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимята Хамзинского района за реестр. № 001741-07 от 26.03.2008г. ИНН 300776387, ул. Паркентская, 30-V., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 1 от 25.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 387-89-67.

ИП ООО "Ansher Real Estate", зарегистрированное в Министерстве юстиции Республики Узбекистан, расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский р-н, ул. 2-проезд Калинин Мавзук, уменьшает уставной фонд с 1118420,43 долларов США до 555150,91 (пятьсот пятьдесят пять тысяч сто пятьдесят долларов США и девяносто один цент) долларов США. Тел.: 268-99-70.

Унитарное предприятие "Узавтосаноат махсусюктранс" сообщает о переименовании на УП "Махсусюктранс" Таш. обл. г. Ангрен.

Утерянную круглую печать Рахимовой Шахнозы Анваровны (ИНН 480027579), зарегистрированной отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимята Учтепинского района г. Ташкента, выданную разрешительным отделом Учтепинского РОВД, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2011 йил 23 мартдаги 14-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

"AZIZ XAMDI TRANS" МЧЖга тегишли:

- "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолияти учун 2010 йил 25 май куни берилган АТ серияли 000277 рақамли лицензия фаолияти 2011 йил 24 мартдан 10 иш кунига тўхтатилганлиги тўғрисида маълум қилади.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-4 мавзесидаги "Талаб люкс коммунал" (ИНН 206696121, ОКОНХ 90190), "Элит ҳаёт сервис люкс" ТЧСЖ (ИНН 206707295, ОКОНХ 90190), "Уста люкс коммунал" ТЧСЖ (ИНН 206707328, ОКОНХ 90190), "Ишонч коммунал сервис" ТЧСЖ (ИНН 206696145, ОКОНХ 90190) ушбу уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 18.03.2011 йилдаги умумий мажлис қарорига асосан "Моҳинур коммунал сервис" ширкатига қўшилаётганлиги сабабли, ширкат барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

"ABDURASUL" хусусий корхонаси тасарруфидаги Чилонзор тумани, 20-А мавзеси, 14/1-уй манзилида жойлашган, кўчмас мулкнинг № 3-121/2006-сонли реестр рақамли бино кадастр ҳужжатининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.** Тел.: 380-85-55, 102-76-12.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MAHKAMOV SABIT YAKUBOVICH" МЧЖ устав фондини 95 078 161 сўмдан 54 199 243 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Тел.: 102-07-01, 788-98-99.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "KARIMJON FAYZ" хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли "KARIMJON FAYZ" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

ЭПМУП эксперементальное производственное механическое унитарное предприятие "R.I.M. ustaxonasi" переименуется в дочернее предприятие "R.I.M. ustaxonasi".

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 мавзесидаги "Тадбир ягона коммунал сервис" ТЧСЖ (ИНН 206711846, ОКОНХ 90190) ушбу уй-жой мулкдорлари ширкати 18.03.2011 йилдаги умумий мажлис қарорига асосан "Чинор Қўйлиқ коммунал" ширкатига қўшилаётганлиги сабабли, ширкат барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

В соответствии с Законом "Об обществах с ограниченной ответственностью: Статья 19, на основании решения общего собрания от 28.02.2011г. ООО "TORGOVIY DOM CHINASIA" объявляет об уменьшении своего уставного фонда с 100.000.000 сумов до фактически оплаченного его размера 38.195.000,00 сумов.

Претензии принимаются в течение месяца по адресу общества: г. Ташкент, 100047, ул. Истикбол, 15.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SATHIR BIZNES" МЧЖ (ИНН 301576778) устав фондини 29 000 000 сўмдан 3 000 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Утерянную круглую печать Хамидова Улугбека Анваровича (ИНН 601672587), зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимята Чиланзарского района г. Ташкента, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании № 592827, выданный в 1976 году школой № 175 Сергелийского района (бывш. Ленинский р-н) г. Ташкента на имя Орлова Андрея Владимировича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 24.03.2010 йилда № 004183-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301553276) "FAYZLI NUR BIZNES SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 25.03.2010 йилда гувоҳнома рақами № 05-08965 билан рўйхатга олинган (ИНН 601521924) якка тартибдаги тадбиркор Мирсалихова Насиба Абилхашимовна номига берилган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янгийўл шаҳридаги 8-мактаб томонидан 2005 йил 27 июнда Аминжанова Шахло Исакджановна номига берилган U № 1578841 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-4 мавзесидаги "Ғулом коммуналчи люкс" ТЧСЖ (ИНН 206707311, ОКОНХ 90190), "Саид-Мурод сервис люкс" ТЧСЖ (ИНН 206707304, ОКОНХ 90190), "Камола-коммуналчи" ТСЖ (ИНН 203356474, ОКОНХ 90190), "Ўткир кўз лочин" ТЧСЖ (ИНН 206696138, ОКОНХ 90190) ушбу уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 17.03.2011 йилдаги умумий мажлис баённомасига асосан "Соҳиб қирон коммунал" ширкатига қўшилаётганлиги сабабли, ширкат барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ
Навбатчи
Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 16011. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.50. 12[illegible]5